

ISSN: 2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН

ЯНВАРЬ, 2023



IMFAKTOR  
PAGES



ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

ТОШКЕНТ – 2023

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-1>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

*Тарих фанлари*

**МУМИНОВ Азизбек Боходир ўғли**  
*Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани*  
*6-мактаб тарих фани ўқитувчиси*

**РАВШАНОВ Сухроббек Ғайрат ўғли**  
*Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти*  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7539354>

## АМИР ТЕМУР ВА БОЯЗИД ЙИЛДИРИМНИНГ АНҚАРАДА ТЎҚНАШУВИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жаҳон тарихида жуда машхур икки буюк саркарда Амир Темур ва Йилдирим Боязид ўртасидаги 1402-йилда Анқаранинг Чубук мавзесида содир бўлган жанг ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, мақолада, ушбу тарихий жангнинг аниқ географик ҳудуди, жангнинг бориши, жангда қўлланилган ҳарбий тактика ва стратегиялар ҳамда жангда ҳар икки томондан катнашган қўшин, унинг таркиби ва сони ҳақидаги тарихий маълумотлар атрофлича таҳлил қилинди.

**Калит сўзлар:** Амир Темур, Боязид Йилдирим, Чубук, Қизилчақуй, ясол, Шохруҳ Мирзо, Халил Султон, жуванғор, бурунғор, князь Стефан, серб дружиначилари, татарлар, Октепа, яничарлар, Мусо.

## СТОЛКНОВЕНИЕ АМИРА ТЕМУРА И БАЯЗИДА ЙЫЛДЫРЫМ В АНКАРЕ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена информация о битве, которая произошла в районе Чубук Анкары в 1402 году между двумя великими полководцами, Амиром Темуром и Йылдырымом Баязидом, которые очень известны в мировой истории. В статье также анализируется точный географический ареал этого исторического сражения, ход сражения, военная тактика и стратегия, использовавшиеся в сражении, а также исторические сведения об армии, ее составе и численности, участвовавшей в битве. бой с обеих сторон.

**Ключевые слова:** Амир Темур, Баязид Молниеносный, Чубук, Кызылчакуй, Ясол, Шахрух Мирза, Халил Султан, Жувангор, Бурунгор, князь Стефан, сербские дружинцы, татары, Октепа, янычары, Муса.

## THE CLASH OF AMIR TEMUR AND BAYAZID ILDIRIM IN ANKARA

### ANNOTATION

This article provides information about the battle that took place in Chubuq district of Ankara in 1402 between two great generals Amir Temur and Yildirim Bayazid, who are very famous in world history.

The article also analyzes the exact geographical area of this historical battle, the course of the battle, the military tactics and strategies used in the battle, as well as the historical information about the army, its composition and number, which participated in the battle on both sides.

**Key words:** Amir Temur, Bayazid Yildirim, Chubuq, Qizilchakuy, Yasol, Shahrukh Mirza, Khalil Sultan, Zhuvangor, Burungor, Prince Stefan, Serbian Druzhinians, Tatars, Oktepa, Janissaries, Musa.

Буюк давлатчилигимиз тарихида XIV асрнинг 70-йилларида Марказий Осиёда буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур йирик марказлашган давлат тузди. Кейинги даврларда бу давлат тобора кучайиб, ўша даврнинг кудратли давлатлари бўлган мин сулоласи (Хитой), Олтин Ўрда, усмонийлар давлати ва мамлуклар давлати билан рақобатдош кудратли давлатга айланди. Амир Темурнинг ҳарбий юришлари давомида мамлакат сарҳадлари кенгайиб, юқорида санаб ўтилган давлатларни хавотирга солиб қўйди. Натижада бу давлатларнинг Амир Темурга қарши мустаҳкам иттифоқи вужудга келди. Бундай мураккаб сиёсий вазиятда Амир Темур душманларини бирма-бир сафдан чиқариш, уларнинг иттифоқини бузиб юбориш йўлини тутди. Охир-оқибат иттифоқ аъзоси бўлган Усмонли Турк давлати султони Баязид Йилдирим ва Амир Темурнинг тўқнашиши ҳам муқаррар бўлиб қолди.

Икки ўртада олиб борилган элчилик алоқалари, мактуб алмашинувлари, рақиблар ўртасида бўлиб ўтган ҳарбий тўқнашувлар, буюк давлатларнинг тўқнашувидан аввал ва кейин юзага келган сиёсий вазият, икки давлат тўқнашувининг кейинги воқеаларга таъсирини ўрганиш ўша даврдаги сиёсий вазият, халқаро муносабатлар, давлатларнинг ҳарбий соҳадаги салоҳияти, буюк давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатини таҳлил қилиш ва баҳолашда, муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий адабиётларни ўрганиш жараёнида шуни айтиш мумкинки, тадқиқ этилаётган мавзу алоҳида илмий ўрганиш объекти бўлмаган. Мавзу турли тадқиқотчиларнинг Амир Темур ва темурийлар тарихига доир асарларида қисман ёки фрагмент (парча) тарзида ёритиб ўтилган. Бунда тадқиқот мавзусини ёритишда бевосита Амир Темур тарихига бағишланган асарларга мурожат этиш талаб этилади.

Амир Темур ва Темурийларнинг тарихшунослигига оид асарлар улар яратилган давр ва ҳудуд нуқтаи назаридан бир-биридан ўзининг ёндашувлари ва қўлами билан фарқланади.

Совет даврида Амир Темур даҳосининг ёритилиши икки даврга бўлинади: қирқинчи йилларга ва ундан кейинги йиллардаги даврларга. Қирқинчи йилларгача совет тарихчиларининг барча асарларида Амир Темур шахси, унинг тарихдаги тутган анча қарама-қарши фикрлар билан ифодаланган бўлса-да, ҳолисона ёндашиш ҳоллари ҳам бор эди:

В. Бартолд, А.Якубовский, А. Беленетский, А.Фитрат ва М. Массонлар Соҳибқироннинг бунёдкорлик фаолиятининг кенг ёритдилар. Қирқинчи йиллардан сўнг совет тарихшунослигида Амир Темур шахсиятига бўлган муносабат кескин салбий томонга ўзгарди. Албатта, бу борада Сталиннинг шахсий кўрсатмаси билан СССР тарихи дарслигидан «Темур давлати» бобининг чиқартириб юборилиши темуршуносликда сиёсий бир кўрсатма сифатида қабул қилинди ва тарихий ҳақиқатни сохталаштиришга олиб келди.

Мустақиллик йилларида Бўрибой Аҳмедов, Ашраф Аҳмедов, Ахмадали Асқаров, Амридин Бердимуродов, Абдулахад Мухаммаджонов, Шоди Каримов, Рустамбек Шамсутдинов, Турғун Файзиев ва шу каби бошқа таниқли тарихчи олимларимизнинг темурийлар даври ҳақидаги меҳнатлари айниқса самарали бўлди.

1999-йилда Ўзбекистон тарихи давлат музейининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Ирпон Тўхтийевнинг: “Темур ва Темурийлар сулоласининг пул молия сиёсати ва уларнинг тангалари” номли илмий асари Эрон Ислоом Республикасининг «Буёк Оятулло ал-Азами» нашриётчилиги ҳукмига ҳавола этилди.

Ҳамидулла Дадабобоевнинг 1996-йилда нашр этилган “Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати” асари танланган мавзуни очиб беришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Амир Темурнинг олиб борган юришлари, юришлар давомида қўлланган турли қурол-яроғлар, жанг қилиш услублари ҳақида қимматли маълумотлар беради [9, Б.79].

XVII-XIX асрларда жаҳон тарихнавислигида Амир Темур шахси ва фаолиятини ўрганишга қайта-қайта мурожаат қилинган. Ҳ. Вамбери, Л. Ленгле, Перродино, Де Сенсио, П. Дела Круа, Де Марга, Ф. Нев, Ж. Камуй, Е. Галлиос ва бошқа европалик тарихчилар Амир Темурнинг ҳарбий санъати, давлат тизими ва қонунлари ҳамда иқтисодий ислохотларини тарихшуносликда ёритганлар.

Кейинги даврда ҳам Темур ва темурийларга доир изланишлар давом этиб, Беатреч Мантз, Х. Хукхем, Люсен Керен каби хорижлик тадқиқотчилар ўз асарларини яратдилар. Турк тадқиқотчиларидан Ака Исмоил, Меҳмет Фуад Кўпрулу, Абдуллоҳ Турхал ва бошқаларнинг илмий изланишлари ҳам тадқиқ этилаётган мавзуни очиб беришда муҳим ўрин тутди [1, Б.25; 6, Б.31-32].

Мавзунинг манбашунослигига келсак, ўша давр араб, форс, турк, юнон, арман тарихчилари асарлари, элчилик миссиялари томонидан ёзилган асарлар, кундаликлар, хариталар ва бошқа тегишли манбалар мавзуни ёритишга хизмат қилади. Шулар жумласига Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си [10, Б.259-261], Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”си [7, Б.330-331], Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи арихи Таймур” (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) [4, Б.264-266, 271], Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ат-таворихи Муиний” (Муиний тарихлар танланмаси), Руи Гонзалес де Клавихонинг кундаликлари, Темур тузуклари [8, Б.155] каби манбаларни келтириш мумкин.

Йилдирим Боязиднинг шимолдан келаётгани хабарини эшитган Амир Темур зудлик билан барча қўшинни шимолга юришга, ҳужумчиларнинг ҳам қамални дарҳол тўхтатиб, ўзига қўшилишига буйруқ беради. Турк қўшинлари келиши кутилаётган ерда фаввора (булоқ) борлигини эшитган Амир Темур уни бузиб ташлаш, сувга эса ахлат ташлашни буюриб, шу билан бирга қўшинларига қўққисдан ҳужум бўлишининг олдини олиш мақсадида ҳандақлар казишни, қароргоҳ атрофини қалқон ва ходалар билан ўраб, кечаси ҳаммаёққа алангалар ёқишни буюрди [5, Б.193].

Уруш улкан бир майдонда олиб борилди, шарқда унга Чубуқ сойи оқиб ўтган воҳа (Анқара, Эсанбуға, Чубуқ, Ҳожилар қишлоғи); ғарбда Қушчи тоғи, Мира тоғи, Ува сойи, Кишлажик дараси; шимолда Жонкуртаран; жанубда Қорачавайрон, Қушчи тоғи атрофлари кирар эди. Энг асосий жанглар Чубуқ сойидан ғарбга томон олти чақиримча чўзилган Қизилчакуй дарасида бўлди [6, Б.31-32].

Амир Темур ва Боязид ўртасида бўлиб ўтган бу жангга оид баъзи масалалар мунозаралидир. Шулардан биринчиси икки ўртада бўлиб ўтган ҳал қилувчи жангнинг қайси санада бўлганлиги масаласи. Шарафиддин Али Яздий бу санани жума куни, зул-ҳижжа ойининг ўн тўққизиди, тарих саккиз юз тўртда, яъни 1402-йил 20-июль деб кўрсатади [10, Б.261].

Тадқиқотчилардан Михаил Иванов ўз асарида жангни 1402-йил 18-июнь тонгида бошланганини ёзади [5, Б.194], темуршунос Ҳамидулла Дадабобоев эса урушнинг 1402-йил 25-июлда бўлиб ўтганини қайд этади. Аммо кўпгина турк ва Европа тадқиқотчиларининг фикрича бу муҳораба 1402-йилнинг 28-июлида бўлиб ўтган [6, Б.32; 1, Б.25; 2, Б.240]. Бунга сабаб уларнинг асосий манба сифатида Ибн Арабшоҳнинг маълумотларини асос қилиб олганлигида бўлиши керак.

Чунки Ибн Арабшоҳ воқеани 804-йил ҳижрат йили зу-лиҳижжа ойининг йигирма еттинчиси (28-июль 1402-йил) чоршанба кунида бўлганлигини ёзади [4, Б.271]. Иккинчи масала ҳар иккала томоннинг қўшинлари сони масаласи.

Бу борада тарихчиларнинг фикри турлича бўлиб, умумий хулоса шуки, Амир Темурнинг қўшини Боязидникидан ортиқ бўлган. Исмоил Ака ўз асарида Боязиднинг қўшинини 70 минг, Темурникини эса ундан кўп бўлганлигини ёзади [6, Б.32].

Ҳамидулла Дадабоев эса Боязид қўшинини 160 минг кўрсатиб, Темур қўшинининг ундан ҳам кўп бўлганига ишора қилади. Профессор Фокион Котзагеоргис Боязиднинг ўзиникидан етти баробар кўп қўшинга қарши чиққанлигини айтиб ўтади [3, Б.12].

Михаил Иванов эса Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” сидаги маълумотга таяниб қуйидагича фикр билдиради: “Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, ана шу уруш бошларида Темур қўшини 800 000 жангчидан иборат бўлган. Лекин аввалги жангларда, қалъаларни қамал қилишда, касаллик ва турли иқлимда узоқ сафар қилиш натижасида ишдан чиққан ва ҳалок бўлганларни, таслим бўлган қалъаларда қолдириб кетилган аскарлар (гарнизонлар) ни, озик-овқат ва бошқа буюмларни ҳимоя қилиш учун қолдирилган қисмларни, Самарқанд ҳамда Темурга тегишли бошқа ерлар билан мунтазам алоқа қилиб туриш учун ажаратилган аскарларни, бош кўтариши мумкин бўлган қабилаларни кузатиб туриш учун тайинланган қисмларни ҳисобга оладиган бўлсак, Ангурия яқинидаги жангда Амир Темур қўшинлари сони 300 000 ёки 350 000 жангчидан иборат бўлган деб тахмин қилиш керак бўлади. Амир Темур Боязид кучлари 400 000 жангчидан иборат бўлган дейди. Умуман Боязиднинг барча ерларидаги қўшини сони шунча бўлиши мумкин, лекин у қўшинининг бир қисмини ўзининг Европадаги босиб олган ерларида қолдириши керак эди. Буни ва бошқа ҳарбий эҳтиёжларга ажратилган қўшинларни ҳисобга олсак, жангда унинг қўшинлари 200 000 ёки 250 000 жангчидан иборат бўлган Агар Боязидда баъзи бир ёзувчилар айтганларидек, 120 000 жангчи бўлганида, жанг бунчалик шиддатли бўлмаган, кучларнинг бунчалик фарқи Боязид қанчалик жасур ва ғайратли бўлмасин, уни Ангурия яқинида жангга киришишга журъат эта олишига тўсқинлик қилган бўларди. Темур эса ўз кучлари анча устун бўлганида ғалабани ғалабани қўлга киритиш учун бунчалик кўп ҳийлалар, эҳтиёткорликлар ва бошқа усуллар ёрдамига муҳтож бўлмаган бўларди [5, Б.193-194]”. Юқоридаги ҳисоб-китоблар ва асосли фаразларни ҳисобга олган ҳолда Михаил Иванов келтириб ўтган рақамлар ҳақиқатга анча яқин дея олиш мумкин.

Кун чиқиши билан жанг бошланади. Икки тарафдан табл ва ноғоралар урилиб, қарнай ва сурнайлар чалиниб, бутун маъракагоҳ аскарларнинг шовқин-сурон, дод-войига тўлиб кетади, ер-у кўк титраб, теварак атроф алғов-далғов бўла бошлайди. Соҳибқирон армияси ўзининг анъанавий жанговар тартиби – ясолда ҳаракат қилади. Сипоҳнинг қирқ қўшин – қисмдан ташкил этилган Ҳумоюн маркази – қўлга Соҳибқирон бевосита қўмондонлик қилади, Жуванғор лашкари Шоҳруҳ Мирзо ва Халил Султон иқболи билан зебу зийнат топади. Улуғ беклардан амир Сулаймоншоҳ, амир Ёдгор Андхудий, Рустам Тоғайбуға, Суюнжак баҳодир ва ўзга мард-у майдонлар амирзодалар мулозиматида бўлади. Амир Шайх Нуриддин, амир Бурундиқ, Али Қавчин, Амир Таҳартан, Мубашшир Ҳожи, Ҳожи Абдуллоҳ Аббос, Ҳожи Сайфуддиннинг ўғли Султон Санжар, Умар Тобон, Амир Шайх Иброҳим Ширвонийлар амирзода қошида туриб, хизмат камарини белларига маҳкам боғлайдилар. Буранғор ҳировулига Абду Бакр Мирзо, амир Жаҳоншоҳ, амир Қаро Усмон Туркман, Таваккал барлос, Пир Али сулдуз сингари лашкарбошилар қўйилган эди. Марказ – қўлнинг ўнг тарафида Тоштемир ўғлон, Умаршайх Мирзонинг фарзанди Аҳмар Мирзо, Шоҳсувор, Жалол бавурчи, Тобтук, Юсуф мўғул, Ҳожи Бобо сувчи, Искандар, Ҳиндубуға ва Хожа Юсуф сингари аъён ва ашроф ҳамда саркардалар жойлашади. Қўлнинг чап томонидан Жалол Ислом, Таваккал қарқара, Али Муҳаммад, Шоҳвали, Жонибек, Тангрибермиш хожа, Муҳаммад Халил, Шайх Ҳусайн каби баҳодирлар ўрин олади. Бу кучларга ўзга қисмларга мададкор бўлиш юклатилган эди.

Марказ – кўлда армиянинг асосий зафарпайкар байроғи қадалган эди. Кўшиннинг сафлари олдида Ҳиндистон юриши чоғида ўлжа қилинган ўттизта (баъзи манбаларда 32 та) жанговар филлар саф тортиб турар, уларнинг устида ўтирган нафтандозлар ва камонкашлар хар дақиқа ғанимга амал ўқини ёғдиришга тайёр эдилар.

Михаил Иванин Анқара жангида филларнинг кўп фойда келтирмаганини айтиб, Темурнинг улардан Боязид жангчиларида ваҳима уйғотиш, уларнинг отларини хуркитиш ва Ҳиндистондан кўлга киритган ўлжаларни душманга кўз-кўз қилиш учун фойдалангани ҳақида фикр билдиради [5, Б.194-195].

Қарши тарафда Боязид Йилдирим Рум ҳамда Фаранг мамлакатларидан жамланган ҳадсиз черикига тартиб бериб уларга ўзининг энг ишончли кишиларини сардор қилиб, Соҳибқиронга зарба бериш ниятида турар эди.

Рум кўшинининг олд қисмида султоннинг қайниси қора либос кийган йигирма минг кишилиқ фарангликлардан иборат лашкари билан саф тизиб туради. Бу лашкар жангчилари бошидан оёғигача темир совутга чўлганган бўлиб, кўздан бошқа аъзолари кўринмас эди. Улар устидаги жавшан бандларига кулф солинган, то кулф очилмагунча совут ва дубулғани ечиб бўлмас эди. Лашкарнинг жуванғарига княз Стефан кўмондонлигидаги серб дружиначилари кўйилган эди. Черик қалби марказидан Боязиднинг ўзи ўрин олади. Ўғиллари Мусо, Исо ва Мустафони чағдовулга жойлаштиради. Гаршахи, Молқўч Пошо, Али Пошо, Абди бек, Темуртош, Феруз, Исобек, Ҳасан Пошо, Халил, Мурод, Суружа, Эрунус, Яқуб, Юсуф, Элдортон, Тангрибермиш, Балбон, Довудболи, Шоҳин, Мосх, Элдигиз ўғли, Аҳмадий, Тохир ўғли, Муҳаммадий, Мукбил, Подшочук – бу амирларнинг барчасини ўз ўринларига тайинлади [10, Б.77-79].

“Темур тузуклари” да Темур тилидан айтилишича, кўшин қисмларга бўлинса-да, улар жанг пайтида олий бош кўмондоннинг тузадиган тактикасига биноан унинг ёрликлари асосида ҳаракатланган. Жанг пайтида ёрликқа бўйсунмаган лашкарбоши ўлим билан жазоланган [8, Б.155]. Усманийлар билан тўқнашувда ҳам жанг Темур томонидан ишлаб чиқилган тактика асосида олиб борилган. Тактикага жангнинг боришига қараб зарурий ўзгариш ва қўшимчалар киритиб борилган.


Чубуқдаги жанг Мироншоҳ бошлиқ буронғорнинг рақиб чап қанотига берган кучли зарбаси билан бошланиб, бу қисмда улар сербларнинг қаттиқ қаршилигига учрайди. Бу пайтда Боязид кўшинининг ўнг томони эса мағлубиятга учрай бошлайди. Чунки Боязид кўшинининг ўнг қаноти татарлардан ҳамда туркларнинг Боязиддан норози иттифоқчиларидан ташкил топган эди. Ибн Арабшоҳнинг айтишича, Темур татарларни жангдан олдин ширин сўзлар ва катта вадалар билан ўз томонига оғдириб олиб, уларни жанг пайтида ўз томонига ўтишга кўндиради [4, Б.264-266]. *(Ибн Арабшоҳнинг маълумотида кўра, татарлар сони турк аскарларининг учдан иккисига яқинини, ёки Темур кўшинининг учдан иккисига яқин бўлган. Аммо бу маълумот мантқиқий жиҳатдан тўғри келмайди. Агар шундай бўлганида, татарлар Темур томонига ўтгандан сўнг, жанг бу қадар шиддатли ва узоқ давом этмас эди).*

Жанг пайтида Темур кўшинидаги ўз уруғдошларини, баъзилари эса ўзларининг собиқ бошлиқларини кўриб, Темур томонига ўтиб, ўзлари билан турк иттифоқчилари жангчиларининг бир қисмини ҳам олиб кетади. Шу пайтнинг ўзида турк лашкари ўнг қанотининг бошлиғи Периславнинг ўлдирилиши Боязид кўшини учун ўрнини тўдириб бўлмайдиган йўқотиш бўлади [5, Б.195]. Натижада туркларнинг ўнг қаноти чекина бошлайди. Амир Темур уларни таъқиб қилиш ва асирга олиш учун амирзода Муҳаммад Султонни жувонғорга ёрдамга юборади.

Улар Боязиднинг ўнг қанотига қўшилмоқчи бўлган серблар билан тўқнаш келиб, ўртада қаттиқ жанг бўлади. Натижада серблар Боязиднинг резерв қисмига қўшилишга муваффақ бўлади. Умаршайх Мирзонинг ўғли Пир Муҳаммад Мирзо, Искандар Мирзо, Султон Аҳмад Мирзо ва Амир Шоҳмалик мубориз аскарлар билан бирга юриб, Рум кўшинидан кўп кишини қиличдан ўтказди.

Шундан сўнг Соҳибқироннинг барча амирзодалар, умаролар, нўёнларнинг биргаликда жасорат ва мардоналик кўрсатиб, Боязидга ҳужум қилиш тўғрисидаги ҳукми қисмларга ёйилади. Қўшиннинг бурунғоридан Мироншоҳ Мирзо, Жаҳоншоҳ, амир Шайх Иброҳим, Аббоснинг ўгли Ҳожи Абдуллоҳ, амир Ҳожи Сайфуддиннинг ўгли Султон Санжар, шунингдек, Шохруҳ Мирзо, Халил Султон Мирзо, амир Сулаймоншоҳ, Рустам Тоғайбуға ва ўзга номдор амир-у беклар, уруш майдонининг шершикор қаҳрамонлари иттифоқ бўлиб румликларга ташланади [9, б.79-80].

Муҳаммад Султон душман ўнг қаноти жойлашган ерни эгаллагач, Боязиднинг ўзи бу



ерга келиб, Муҳаммад Султонни суриб чиқаради. Шундан сўнг туркларнинг шикаст етган ўнг ва сўл қанот жангчилари султон атрофида йиғила бошлайди.

Буни кузатиб турган Темур ва Шохруҳ Мирзо Боязид томон ҳужум бошлаб, ўнг ва чап қанот жангчилари билан бирга уларни ўраб оладилар. Мохир мерганларнинг тинимсиз ўққа тутиши турк қўшинига катта талафот етказади. Узоқ давом этган шиддатли жангдан сўнг султон аскарлари чекина бошлайди. Жанг бой берилаётганини кўрган серблар бошлиғи Стефан Боязиднинг асосий қўшинларидан айрилиб, чекинаётган шаҳзода Сулаймонга ёрдам бериш учун Бурса йўналишига қараб юради. Боязиднинг кейинг ўгли Муҳаммад (Меҳмет) шимоли-шарқ томондаги тоғларга, учинчи ўгли Исо эса жануб томонга қочди. Аммо Йилдирим Боязид яничарлар билан жангни охиригача давом эттиради (*расмга қаралсин*).

*(Амир Темур ва Йилдирим Боязид қўшинлари жойлашуви ва ҳаракатланиши тарзи).*

Ўз иттифоқчилари, қўшин бошлиқлари ва фарзандлари томонидан ташлаб кетилган Боязид ярим кечагача душман ҳужумига қаршилик қилди. Сувсизлик ва чарчоқ туфайли ҳолдан тойган яничарлар Темур қўшинлари томонидан қирила бошланди. Кечаси улар жуда кам қолганларидан сўнг қочиб кетаётган Боязиднинг оти қоқилиб йиқилиб, ўзи ва иккинчи ўгли Мусо Оқтепа яқинидаги Маҳмутўғлон қишлоғида (Исмоил Ака Боязид асир олинган жойни шундай кўрсатади) Темур томонидан 1388-йилда Чигатой улуси хонлигига кўтарилган Султон Маҳмудхон ибн Суюрғатмишхон томонидан асир олинади [10, Б.196].

Шундай қилиб, Амир Темур ва Йилдирим Боязид ўртасида келиб чиққан низоли вазият ва кейинчалик бўлиб ўтган Анқара жанги тасодифий бўлмай, ўзининг жиддий ва асосли сабабларига эга экан.

Икки томон ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувига бир томондан бевосита бошқа давлатларнинг ҳам таъсир ўтказганлиги бўлса, иккинчи томондан бу тарихда табиий равишда учрайдиган ва содир бўладиган, яъни иккита кучли давлатнинг кучли рақибдан қутулишга интилишлари оқибатида келиб чиқадиган тарихий жараён дир. Албатта, ўртадаги муносабатларнинг бузилишига ҳукмдорларнинг бир-бирига ён бермаслиги ва ўзга давлатлар гижгижлаши ҳам сабаб бўлган. Натижада келиб чиққан тўқнашув оқибатида Кичик Осиёдаги қудратли Усмонли Турк давлатининг инқирозга юз тутиб, парчаланиши ҳолати юзага келди ва бу давлатнинг бирлашиши учун анча вақт керак бўлди.

Анқара жангидан сўнг Амир Темур Европа халоскорига айланиб, кўпгина мамлакатлар томонидан буюк ҳукмдор сифатида эътироф этилишига сабаб бўлди. Амир Темурнинг ғалабаси Европани усмонийлар тажовузидан сақлаб қолиб, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига имкон яратди. Хулоса қилиб айтганда, Анқарадаги жанг тарихдаги энг муҳим воқеалардан бири бўлиб тарихда қолди.

**ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES**

1. Abdullah Turhal. TIMUR'S siege of Ankara castle. Altar Modelling, 2009.
2. Marcus Milwright Evanthia Baboula. Bayezid's Cage: A Re-examination of a Venerable Academic Controversy. Journal of the Royal Asiatic Society Volume 21, Issue 3 July 2011.
3. Phokion Kotzageorgis, Ömer Özyılmaz. TIMUR AGAINST THE OTTOMANS AND OTTOMAN INTERREGNUM (Fetret Devri). ARISTOTLE UNIVERSITY OF THESSALONIKI.
4. Ибн Арабшоҳ. Ажойб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). – Т.: “МЕҲНАТ”, 1992. I китоб.
5. Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур (Тарж. А. Махкамов). – Т.: “Фан”, 1994.
6. Исмоил Ака. Буюк Темур давлати. – Т.: “Чўлпон”, 1996.
7. НИЗОМИДДИН ШОМИЙ. ЗАФАРНОМА. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
8. Темур тузуклари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
9. Ҳ. Дадабоев. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Т.: “Ёзувчи”, 1996.
10. Шарафуддун Али Йаздий. Зафарнома. – Т.: “Шарк”, 1997.

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)



**IMFAKTOR  
PAGES**